

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 196 (10.501)

2005 ЙИЛ 4 ОКТЯБРЬ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЛАЙЗИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2 октябрдан
Малайзияга давлат ташрифи бошланди

КУАЛА-ЛУМПУР, 3 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Бугун Малайзия пойтахтидаги Парламент майдонида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожддин Жамалуллайл шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислам Каримов фахрий қоровул сафи олдида тўрди.

Ўзбекистон раҳбарининг Малайзия Қироли билан суҳбати бўлди. Зоти олийлари билан мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш билан боғлиқ ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Малайзиянинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди.

Ислам Каримов 2 октябрь куни Куала-Лумпурга жўнаб кетиш олдида Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатда Малайзия билан ҳамкорлик Ўзбекистон манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Мазкур мамлакат минтақادا ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга. Малайзия Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасини (АСЕАН)

ташкил этишда асосий ташаббускорлардан бўлган. Айни пайтда у уюшма раиси.

Президент Ислам Каримов Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавий билан учрашди. Тор доирада кечган ушбу суҳбатда томонлар Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ҳамкорлик изчил ривожланаётганини, айни пайтда савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги ҳолати икки мамлакатни ҳам қониқтирмаганини таъкидладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ва Малайзиянинг иқтисодий салоҳиятини тўлроқ ишга солиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ислам Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалаларнинг амалий муҳокамаси бўлди.

Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун қўшма корхоналари кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат иш одамларининг банк, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, маиший электроника, самолётсозлик, мебелсозлик, нефт-газ, кимё, озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида ҳукуматлараро қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Савдо бўйича қўшма

қўшма тўғрисидаги, Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги, Минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро англашув меморандумлари, Алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасига оид ҳукуматлараро ахдлашув протоколи, Хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Малайзия ташқи ишлар вазири Саййид Ҳамид Албар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Малайзия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига, халқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов «Петронас» корпорацияси раҳбарияти билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқот чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ушбу корпорация ўртасидаги алоқаларга доир масалалар муҳокама этилди. Учрашув якунида «Ўзбекнефтгаз» билан «Петронас» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда нефт-газ захираларини биргаликда ўзлаштиришга оид битим имзоланди.

Шу куни Савдо бўйича Ўзбекистон-Малайзия қўшма қўмитасининг илк мажлиси ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

XVI Сағоси
аср
Барча мамбалардан
олинган сўтти хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

• «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Саломатлик поезде» Оролбўйига етиб келди. Унда озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, тиббиёт ускуналари, кийим-кечак, оёқ кийимлардан иборат инсонпарварлик юклари бор.

• Республика рассомлик коллежида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида мусавир Мартин Келленбергер асарлари кўргазмаси очилди.

• Сирдарё вилоятида бошқоқ дон экинлари экиш ишлари якунида. Режалаштирилган 23 минг 325 гектар майдонга галланинг «Крошк», «Половчанка» ва «Чиллак» навлари экилди.

• Бухоро шаҳрида «Ўзавтотеххимизат» акционерлик жамияти тизимидаги муҳоналарнинг тажрибали мутоахасислари ўртасида «Уста-2005» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли хуудларидан келган элликдан зиёд уста ва соловчилар ўз касб маҳорати, хизмат маданияти, билим ва кўникмаларини намойиш этиди.

Жаҳонда

• Швеция пойтахти Стокгольмда анъанавий Нобел ҳафталиги бошланди. Швеция Қироллик илмий академияси ушбу нуфузли мукофотнинг 2005 йилги номзодларини аниқлашга киришди.

• Люксембургда ўтказилган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазириларининг учрашувида Туркиянинг ЕИ таркибига кириши масаласи кўриб чиқилган бўлсада, ягона тўхтамага келинмади.

• Германиянинг Дрезден шаҳрида ўтказилган парламент сайловларида Ангеле Меркель бошқараётган ХДС партияси парламентга яна битта ўринга ога бўлди.

• Индонезиянинг Бали оролида амалга оширилган учта террорчилик ҳаракати натижасида 26 киши ҳаётдан кўз юмди, 120 дан ортиқ сайёҳ тўх жароҳатлари олди. Ҳозирда ушбу қурорт оролини кўпчилик сайёҳлар тарк этмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ
Сир Кўни
Янгиликлар, воқеалар

Қисқарта

• **КЕЧА** «Қамолот» ЕИХ Мирзо Улугбек туман бўлими Кенгаши томонидан «Ёшлар спорт маркази»да тумандаги маҳалла сардорлари ўртасида «Хар кўнинг спорт билан!» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.

• **МИРЗО** Улугбек туманидаги 205-207-е, 225-ўрта умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган тадбир ёшлар ўртасида гиёвандликнинг олдини олишга бағишланди.

• **ЎТГАН** куни Чилонзор туманидаги «Шарк» маҳалласида туман аҳолисига хизмат кўрсатувчи чойхона ишга тушди.

• **«ОЛМАЗОР»** маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда Оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлик дастури ижроси ҳусусида сўз борди.

• **БЕКТЕМИР** туманидаги «Мажнун-тол» маҳалласида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Оғоҳлик — давр талаби» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


Tashkent open — 2005



ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ТЕННИС МАМЛАКАТИ

КЕЧА пойтахтимизда «Tashkent open — 2005» халқаро аёллар турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақа WTA — Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси мақоми остида мамлакатимизда еттинчи мартаба ўтказилиб келинаётгани яна бир бор Ўзбекистон ҳақиқатан катта теннис мамлакатига эканлигини намойён этмоқда. Зеро, бу турнирда барча китъалардан ташриф буюрган кучли спортчилар ўз маҳорат ва имкониятларини кўрсатишга ва рейтинг даражаларини янада оширишга муваффақ бўлмоқда, айни пайтда эса мамлакатимиз пойтахтида теннис юлдузлари ёғдуси мужассам бўлди десак муболага бўлмайди. Турнирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Раҳмонбек Усмонов ўтган йиллар давомида «Tashkent open» мусобақаларида эришилган ютуқлар ҳусусида тўхталиб ўтиб, теннисчиларнинг кўпчилиги учун мамлакатимизда ўтказилаётган бу нуфузли мусобақалар кейинчалик янада юқори чўққиларни забт этишларида ўзига хос замин вази фасини ўтайди, дея таъкидлади. Чунончи,



ўтган йилги «Tashkent open» турнирининг ғолиби Николь Ваидисова (Чехия) бугунги кунда дунё таснифида 28-погонани эгаллаб турибди. Бир йил аввал эса 15 ёшли Николь WTA рўйхатида атиги иккинчи юзликдаги теннисчилар қаторида эди. Шубҳасиз, «Tashkent open — 2005» турнирига 18 та давлатдан ташриф буюрган спортчиларнинг кўпчилиги учун ҳам эсда қоларли бўлиб қолади.

Давоми 6-бетда.



Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий-техник бачча жаҳонлари қатори пахталикни ривожлантириш ҳам устувор вазифа сифатида ёндошилмоқда.

Зеро, серкув шиминида етиштирилаётган пахта толаси жаҳон бозорида ҳамisha қад-ранган. Шу боис етиштирилаётган пахтанинг сифати ва салмоғини янада кўпайтиришга, селекция ишларини юксалтириш орқали сааноат бола берадиган янги навларни яратишга, деҳқонларнинг юқори навли пахта етиштиришдан моддий манфаатдорлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 мартдаги пахтанинг юқори ликвидли хомашё товарлари халқаро бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, пахта толасини жўнатишдан олдин юксак даражада сертификатлашни таъминлаш ва унинг биржалардаги қиймат кўрсаткичларини кўтаришга қаратилган қарорига мувофиқ пахта толасини сертификатлаш маркази — Ўзбекистон «Сифат» маркази ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Юртимизда етиштирилаётган пахта толаси сифатини жаҳон бозори талабларига мувофиқ сертификатлаш ва бу борадаги ишларни назорат қилиш, пахта тозалаш саноти корхоналарини, истеъмолчиларни ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларни пахта толасининг стандарт намуналари билан таъминлаш ишлари марказда изчиллик билан амалга оширилаётган. Шунингдек, пахта толасини сертификатлаш ва классификациялаш бўлими мутахассислар тайёрлаш, пахта толасини истеъмолчиларга жўнатишга ҳозирлаш тизимини такомиллаштиришга оид вазифалар ҳам доимий эътиборда.

Бунинг натижаси ўларок Буюк Британиядаги Ливерпуль биржасида олимларимиз томонидан яратилган «Бухоро-Б» нави ўрта тоғли пахта навлари учун эталон сифатида қабул қилиниб, «Биринчи-олий», «Иккинчи-ахши», «Учинчи-ўрта», «Тўртинчи-оддий» каби ўзбекча баҳолашлар халқаро атмалар сифатида кенг қўлланилаётгани гоёт аҳамиятлидир.

Ўзбекистон «Сифат» маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Эркин Максудовнинг маълум қилишича, дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатда пахта хомашёси етиштирилса-да, уни сертификатлаш санокли давлатлардагина амалга оширилаётган. Улар орасида Ўзбекистоннинг нуносиб ўрни бор.

Пахта маҳсулотини сертификатлашда юқори даражада эришиш ҳар қандай ривожланган давлат учун катта манфаат келтириш билан бир қаторда унинг зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди. Шу боис марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган ҳудудий лабораторияларда пахта толаси сифатини аниқлаш ва уни тегишли равишда сертификатлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хукуматимиз ҳамда Халқаро тараққиёт ва

тикланиш банки ўртасидаги келишув битими-га мувофиқ «Сифат» марказига ажратилган 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига ҳудудий лабораториялар ўтказилган кўпроқ юқори самарали, замонавий НВИ тизими билан жиҳозланди. Шу тариқа 2002 йил ҳосилини қайта ишлаш мавсумидан бошлаб тола сифати бачча ҳудудларда мазкур тизим-га мувофиқ баҳоланмоқда.

Айтиш жоизки, бу тизим пахта толасининг узунлиги, силликлиги, пишиклиги, микронейр кўрсаткичлари, ранги ва тозалик даражасини аниқ белгилашда қўл келмоқда. НВИ тизимининг умумий бир тармоққа боғланганлиги боис ҳудудий лабораториялар томонидан пахта толаси ҳар бир тойининг аниқланган сифат

ридагина мавжуд. Ҳозирги кунда марказда Германия, Бангладеш, Украина, Қозғистон каби давлатлардан келган ўндан ортиқ мутахассис малака оширмоқда.

Ўзбекистон «Сифат» марказида, шунингдек, пахта толасининг сифат кўрсаткичларини органолеттик, яъни классёр усулда аниқлаш учун хизмат қиладиган стандарт намуналари ҳам тайёрланаётган.

Ушбу стандарт намуналари республикамизнинг манфаатдор ташкилотларидан ташқари, Буюк Британиянинг Ливерпуль, Германиянинг Бремен, Польшанинг Гдиня пахта биржалари ва бошқа қатор хорижий давлатларнинг пахта билан шуғулланувчи муассасаларига етказиб берилмоқда.

Жаҳон банки юртимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар дунё бозорида ўзбек пахтаси нархининг сезиларли даражада ошишига олиб келаётганини эътироф этмоқда. Агар пахта лойиҳаси жорий қилинганга қадар жаҳон бозорида юртимиз пахта толасининг тоннаси А индексида 32

АҚШ долларинан камроқ нархда сотилган бўлса, янги сертификатлаш тизими жорий қилингандан сўнг 23 АҚШ долларига юқори харид қилина бошлади. Миллий миқёсда олинганда мазкур ўзгаришнинг ўзи давлатимиз бюджетига йилга 50 миллион АҚШ доллари-га яқин қўшимча даромад келтиради.

Ўтган йили мамлакатимизда тайёрланган пахта толасининг асосий қисми Хитой, Бангладеш ва Россияга жўнатилди. Шунингдек, Германия, Италия, Франция, Польша, Чехия, Хиндистон, Жанубий Корея, Индонезия каби давлатларда ҳам юртимиз пахта толасига талаб катта.

Дарвоқе, яқинда Бангладешда ўтказилган пахта масалаларига бағишланган халқаро конференцияда юртимиз вакиллари ҳам иштирок этди. Маълум бўлишича, мазкур давлат ҳар йили юртимиздан 200 миң тоннага яқин пахтани турли воситалардан орқали сотиб олар экан.

Шу йилнинг 10-11 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган 1 халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида бундай муаммоларга барҳам бериш йўллари ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Жануби-шарқий Осиё, МЖА ва Европа мамлакатларининг юздан ортиқ фирма, компания ва тўқимачилик корхоналари вакиллари иштирок этадиган мазкур ярмаркада юртимиз пахта толасини етказиб бериш бўйича қатор шартномалар тузиш, узоқ мuddатли савдо муносабатларини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Ярмарка кунлари иштирокчилар ширкат ва фермер ҳўжайиқлари далаларини бориб кўрадилар. Ўзбек деҳқони пахтани қандай етиштираётгани, уни қайта ишлаш, пахта сифатини назорат қилиш тизимлари ҳамда тола экспортини билан шуғулланувчи терминаллар фаолияти билан ақиндан танишдилар.

Шубҳа йўқки, мазкур ярмарка ўзбек пахта толаси шўҳратини юксалтириш, унинг жаҳон бозоридаги харид нархини ошириш орқали давлатимиз иқтисодийётига валюта тушумини янада кўпайтириш, алал-оқибатда халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Олим НОРБЕКОВ,
Ўза мухбири

ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ШЎҲРАТИ ОРТМОҚДА

10-11 октябрь кунлари Тошкентда I Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди

кўрсаткичлари ҳақидаги бачча маълумотлар Тошкентдаги марказий ҳисоб базасига тўғридан-тўғри келиб тушди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ҳозирги кунда бундай тизим мамлакатимиздан ташқари, фақат АҚШ ва Австралиядагина мавжуддир.

Бу эса толамизнинг сифат кўрсаткичлари нақадар юқори меъёрлар даражасида аниқланаётгани ҳақида яққол тасаввур беради.

Мазкур тизим жорий этилгандан сўнг халқаро меъёр ва кўрсаткичларга асосланган O-Z-DST 604:2001 «Пахта толаси. Техникавий шартлар» миллий стандартини амалиётга кенг татбиқ этиш имконини берди. Ушбу янги давлат стандартига кўра пахта толасининг асосий истеъмол хусусиятлари ва сифат даражалари — тип, нави, синфи ҳамда микронейр кўрсаткичи бўйича тоифаланмоқда. Пахта толасининг ушбу кўрсаткичлари экспорт нархининг шаклланишида асосий омил ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни аниқлаш эса халқаро миқёсда мажбурий синов сифатида қабул қилинган.

Сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ҳудудий лабораторияларда ўтказилган синов натижалари асосида мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Экспортга жўнатилаётган пахта толаси тойма-той синовдан ўтказилаётгани туфайли хорижий истеъмолчиларда толамиз сифатига нисбатан эътироз билдирилмапти.

Айни вақтда толамизнинг жаҳон стандартларига мувофиқлигини мунтазам таъминлаш мутахассислардан алоҳида масъулият ва маҳорат талаб этади. Шу боис ҳодимларнинг малакасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Сифат» марказининг ўқув бўлими ташкил этилган. Унда мутахассисларга икки ойлик ўқув машғулотлари довамда халқаро ва мамлакат стандартларига мувофиқ тола сифати кўрсаткичларини классёрлик усули ҳамда НВИ тизими асосида аниқлаш усуллари ўргатилмоқда.

Шуниси эътиборлики, бундай ўқув маркази жаҳонда, юртимиздан ташқари, АҚШнинг Мемфис штатида ва Польшанинг Гдиня шаҳ-

Ярмаркалар

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛДИ

Куни кеча Сергели туман ҳокимлиги ва туман меҳнат бўлими ҳамкорлигида «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Эрта тонгдан сўлим гўшада меҳнат бўлими ҳодимлари ҳамда туманда фаолият юритаётган 58 та катта кичик корхона, ташкилот, муассасаларнинг вакиллари фаоллигида меҳнат ярмаркасида катнашиш истагида бўлган фуқароларни кутиб олишга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганлигини гувоҳи бўлди. Яқин атрофдаги Собир Раҳимов, Амир Темур номидаги, «Иттифок», «Оқибат», «Янги ҳаёт», «Қипчоқ» маҳаллалари фуқаролари ярмаркада фаол катнашдилар.

— Мазкур ярмаркада 1070 та аҳолига бўш иш ўринлари таклиф этилди, — дейди Сергели туман меҳнат бўлими раҳбари Холита Низомова. — Тумандаги мавжуд 33 та маҳаллада истиқомат қилувчи доимий иш

билан банд бўлмаган аҳолининг бандлигини таъминлашда ярмарканинг аҳамияти катта. Айниқса, аҳолининг баъзи қатламлари — меҳнат бозоридан тенг рақобатга кириша олмайдиган аёллар, ёшлар, ногиронлар ҳамда жазо мuddатини ўтаб қайтган фуқароларга алоҳида эътибор қаратди.

Шу куни 53 нафар фуқароларга туманда фаолият юритаётган «Huao Lu» ип-йиғириш хорижий корхонаси, «Сергели-файзли», «Новатор» масъулияти цекланган жамиятлари, «Сергелисувтаъминот», «Энергогаз», «12-автобус саройи» акциядорлик жамиятлари, «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси, бошқа жамоаларга ишга йўлланмалар берилди.


Шунингдек, 38 нафар фуқаролар малакали маслаҳатлар олишди. Бундан ташқари, 9 нафар фуқароларга бос бошқармага қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига ўқиш учун йўлланмалар топширилди.

Доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялашда ўтказилаётган мана шундай

меҳнат ярмаркаларининг ҳиссалари салмоқлидир. Шу боис ҳам туман меҳнат бўлими жамоаси галдаги белгиланган вазифаларни бажаришга ғайрат билан бел боғлаганлигига ишонч уйғонган ҳолда қайтди.

Муҳаббат
ХАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТДА: Сергели туман меҳнат бўлими ўтказган меҳнат ярмаркасида наваха.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.



Иқтисоқий

ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Сувсиз ҳаётимизни тасаввур эта олма эканмиз, албатта унинг исрофгарчилигига йўл қўймастикка, тежаб-тергаб фойдаланишга ҳам аҳамият қаратмоғимиз лозим. Негаки, ҳақиқатан ҳам сув бебаҳо неъмат, тирикчилигимиз манбаи.

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарорига кўра пойтахтимизда совуқ сув ҳисоблаш ускуналари ўрнатишни 2007 йил 1 июлгача яқунлаш кўзда тутилган. Албатта, бу борада сифатли ва рақобатбардош ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш ва ўрнатишда муҳим ўрин тутатган «TOSHKENT-ZENNER» кўшма корхонасининг нуносиб ҳиссаси бор. Энг асосийси эса корхона маҳсулотларининг жаҳон андозалари даражасида тайёрланаётганидир. Бу борада замонавий дастғолларнинг ўзига хос аҳамияти эътиборга олиниб Германиядан келтирилган ускуналардан унумли фойдаланилмоқда. Сертификатланган иссиқ ва совуқ сув ўлچагичлари ишончли ҳамда кафолатли бўлиб, улар нафақат жамоа ахли томонидан ишлаб чиқарилмоқда, балки бир неча йилдан буён хонадонларга ўрнатиб ҳам берилмоқда. Бунинг учун эса пойтахтимиздаги «Сувсоз» трести унитар корхонаси билан шартнома асосида ишланади.

Корхонада ташкил этилган пайвандчи бригадаларнинг афзаллиги шундаки, улар сув ҳисоблагичларни ўрнатишда қоидаларга тўлиқ риоя қилиш бораборида, аҳоли билан тушунтириш ишларини ҳам олиб боришади. Ўлчлагич ўрнатилган вақтдан иш бошлади. Энг муҳими эса у тежабкорликка гаров бўлади. Жорий йилда корхонада 100 миң дон ҳисоблагичлар тайёрлаш режаланган.

ҚАЙСИ РАНГ СИЗГА МАЪҚУЛ?

Аҳамият берган бўлсангиз, бугунги кунда бунёдкорлик ишларида нафақат бир хил, балки рангли алюмин ва металл эшик-ром ҳамда витражалардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бунда харидор талаби асосий ўрин тутмоқда.

Энг асосийси эса ана шундай қурилиш ашёларининг ўзимизда тайёрланаётганидир. «Рант-сервис» корхонасига жорий йил бошида Туркиядан келтирилиб ўрнатилган махсус линиядан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга турли ранг бериш имконияти яратилди. Ушбу линияда фақатгина алюмин ва металл тайёрланган эшик ва ромлар эмас, ҳаттоки металл черепицаларни ҳам бўяш мумкин.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга бугунги кунда ички бозорда талаб юқори. Келгусида эса Европа стандартлари даражасидаги ушбу маҳсулот турларини Қозғистон давлатига экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

Зикр қилинишича, бу борада Ҳадиси шарифда, бу умматим оёи, бунда юз берган гуноҳлар кечирилади, дейилган.

Рамазон Қуръонда ҳам эсланган: «Эй имон келтирганлар! Сиздан аввалгиларга фарз қилинган каби, сизга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шунда ёмонликлардан ҳимоя қилинурсиз». Яна, жумладан, шундай дейилган: «Рўза санокли кунлардан иборатдир. Орангизда хасталанган ёки сафарда бўлган кишилар рўза тутмаган кунлари эвазига бошқа кунларда тутсин. Рўза тутишга қўйналганлар бир йўқлиқ қорнини тўйгазар даражада ҳаққини берур. Ҳар ким чин кўнгилдан бирор айтиш қилса, унинг учун янада хайрли бўлади. Билиб қўйинг, рўза тутиш сиз учун хайрли бир ширдир».

Қуръони каримнинг Бақара сурасида шундай дейилади: «Рамазон оёи шундай оёи, рост билан ёлғонни ажратган, очик далилларни ўзида намойён этган, одамларга тўғри йўлни берган Қуръон мана шу ойда туширилган. Орангиздан ким бу оёга етишган бўлса, рўзасини тутсин, хаста ё сафарда бўлган кишилар тутмаган кун-

Покланиш

МЕҲР-МУРУВВАТ ОЙИ

Бугун юртимизда покланиш ва меҳр-мурувват рамзи ҳисобланган Рамазон оёи бошланди. Рамазон ислом оламида муборак ойлardan саналади. Бу ойда, кунларнинг иссиқлигида рўза тутилса, киши барча гуноҳларидан мусаффо бўлади деган эътиқод ҳам бор.

лари эвазига бошқа кунлари тутиб берсин. Аллоҳ сиз учун қулайлиқни истади, қийналишнингизни истамас» (183-185 оятлар).

Нега рамазон оёи исломда мўқаддас ойлardan саналган ва нега бу ойда рўза тутиш одат бўлган, бунинг сабаби нимада? Сабаб шуки, ислом ва бошқа динлар тарихида кўп ҳодисалар ҳудди мана шу ойда юз берган, булар ёзма тарих саҳифаларида битилган.

Ислом эътиқодича, рўза кишидаги сабр-тоқатни синовиҳ имтиҳондан иборатдир. Бунга кўра, сабр инсон руҳини яхшилайдиган, иродасини чиққиради, айна пайтда у инсон руҳи ҳолатини идора этиб турадиган бир ички кучдан иборат. Сабр киши матонатини оширади, унга куч ва ирода қўшади, ниҳоят, инсонни олижанобликка, юксакликка кўтаради. Ҳар бир нарсанда

сабр-тоқат зарур бўлганидек, у илм-фан, санъат ва маърифатда ҳам зарур. Шунинг учун ҳам Қуръонда: «Аллоҳ сабр этганлар билан биргадир», деган оят келгани бежиз эмас. Бу эса, сабр қилишга ундайди: «Рўза - сабрнинг ярми, сабр эса имоннинг ярми»дир. Яна: «Ҳар нарсанинг бир зақоти бор, вужуд зақоти — рўза». Бу ҳадисларнинг Пайғамбаримиз Мухаммад Алайҳиссалом лафзидан чиқши ҳам фикримиз далилидир.

Одатда рамазон ойда кам таъминланган, кўмакка муҳтожларга ҳайру эҳсон қилиниши, барча ёмон ҳулқ, феъл-атвордан, сўқиниш, қарғаш кабилардан тийилиш ҳар бир рўза тутувчига уқюлатилади. Кишида гўзал ҳулқ-атвор бўлса, ёмон одатлардан тийилса, ундай одамнинг тутган рўзаси мақбул саналади.

Ҳар бир киши чарчагани

каби, ошқозон ҳам доимий гизолардан, уни ҳазм аъзоларига ҳозирлаб бериш вазибаларидан толиқади, ҳатто баъзи вақтларда ўзига келиб тушган овқатларни ҳазм этмай қолади. Ана шундай бир вақтда ошқозонга ором бериш, бироз вақт бўлса-да тин олдириш шу рўзада амалга оширилади. Баъзи музмин — сурункали хасталикларда эса касалликнинг даражаларига қараб, узоқ ёки оз вақт меъдага бироз дам бермоқ, хастани ичимш ва ейишдан тийиш йўли билан даволайдилар. Оч юриш ва сув ичмаслик йўли билан баъзи кишилар ошқозонини даволаганлар.

Пайғамбаримиз Мухаммад Алайҳиссалом шундай деганлар: «Бирортангиз рўза тутаетган экансиз, асло лоф ва ёмон сўзламанг, бақириб-чақирманг ҳам. Бордию бирор уни сўқса, ёки бўлмаса у билан ғавго қилмоқчи бўлса, унга «Мен рўзаман десину, сўз айтмасин». Яна, у кишидан зикр қилишда: «Еб-ичишдан тўхташинг ўзи, бу — рўза тутиш деган гап эмас. Рўза шундайки, бекорчи нарсалардан, ёмон ва кўпол сўзлардан сақланиш, ҳамда чиркин нарсалардан ўзини асрашдан иборатдир».

Даврон НУРМУҲАММАД

Хозир Ўзбекистон Республикасида иктисодиётнинг барча тармоқларида ахборотлаштириш жараёнларини авж олдириш давом эттирилмоқда. Ахборот технологияларини ривожлантиришга қаратилган кўпгина тадбирлар турли миқтаҳавий ва идоравий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда ёки амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 2005 йил 9 майдаги маърузасида шуларни қайд этиб ўтди: «Ёшларимизни миллий кадрларга сарфат руҳида тарбиялаш билан бирга уларга замонавий тараққиёт эришадиган ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлишларида кўмаклашмоғимиз лозим. Айни чоғда, фарзандларимиз ҳалқимизнинг бой тарихини, миллий урф-одатларини, бугун эришадиган ютуқларимизни, шунингдек, адабиёт ва санъатимизни, фан ва маданиятимизни жаҳон узра кенг тарғиб этишда ҳам фаол бўлмоқлари даркор. Бунда замонавий ахборот технологияларидан, хусусан, Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим».

Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жараёни тез суриятлар билан бораётган ахборот эрасида умумтаълим ва ёшлар йўналишидаги ахборот ресурсларининг алоҳида тоифаларини ташкил этиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг турли тузилмалари томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшлар йўналишидаги ахборот ресурслари «ZiyoNET» ягона ахборот тармоғига бириктирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 29 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан шу нарсга назарда тутилган. Республикада таълим ва ёшлар йўналишидаги ахборот ресурсларини тизимга солувчи ягона ахборот тармоғи мавжуд эмаслиги тўғрисида «ZiyoNET»ни ташкил этиш зарурати юзга келди.

Ўзбекистон вазириликлари ва идоралари, жамоат бирикликлари томонидан таълим ва ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмақда. Хусусан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Миллий ахборот-излаш тизимини яратиш, ижтимоий-маданий йўналишидаги ахборот ресурсларини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим қанчалар олий таълим муассасаларини ягона ахборот тармоғига бириктириш зарурати ташкил этиш ичидида умумтаълим мактабларидаги шахсий компьютерлар сони 1,11 баравар кўпайиб, 59,4 мингтага етди, коллежлар ва лицейларда уларнинг сони деярли икки баравар ошди. Таълим муассасаларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига, шу жумладан Интернетга улаш ишлари амалга оширил-

роқ ресурсларини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан мамлакатнинг барча олий таълим муассасаларини ягона ахборот тизимига бириктириш корпоратив тармоқ ривожлантирилмоқда. Халқ таълими вазирилик томонидан умумтаълим мактабларида ўқув компьютер синфларини ташкил қилиш

Дастури амалга оширилмоқда. Кейинги уч йил ичидида умумтаълим мактабларидаги шахсий компьютерлар сони 1,11 баравар кўпайиб, 59,4 мингтага етди, коллежлар ва лицейларда уларнинг сони деярли икки баравар ошди. Таълим муассасаларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига, шу жумладан Интернетга улаш ишлари амалга оширил-

миллаш; соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва ҳар хил спорт турларини оммалаштириш; ўқувчилар ва ёшлар учун масофавий таълим усулларини ва бошқа ахборот-коммуникация хизматларини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфокус» маркази таркибиде Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Халқ таълими вазирилик ҳузуридаги бўлимлари билан «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс маркази ташкил этилади. Шу йилнинг охиригача Ресурс маркази жами 33 шихидан иборат юқори малакали ходимлар билан таъминланиши лозим.

«ZiyoNET» тармоғи ишга туширилгандан кейин мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасаларини халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига улаш фақат мазкур тармоқ орқали амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, домен номларни рўйхатга олиш, ахборот ресурсларини

«ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасида жойлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек электрон почта хизматлари тармоқдан фойдаланувчиларга бепул кўрсатилади.

«ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш, унинг технологик майдончасини яратиш ва ривожлантириш, шунингдек ахборот ресурслари шакллантирилишини молиялаштириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

«ZiyoNET» тармоғини шакллантириш мамлакат мактаблари, лицейлари, коллежлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, шунингдек Интернет тармоғининг миллий сегментиде таълим ва билим берадиган ёшлар йўналишидаги ахборот ресурсларини ривожлантиришга ёрдам бериши лозим.

Мағбурлар

СИЗГА ТАЪЗИМ, МУҲТАРАМ УСТОЗЛАР!

Яқинда Алишер Навоий номидаги Давлат Катта опера ва балет театрида Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами ҳамда коллеж биринчи босқич ўқувчиларини талабалikka қабул қилиш маъросимига бағишлаб ўтказилган байрам анжумани «Сизга таъзим, муҳтарам устозлар!» деб номланди.

Авалло шуни айтиб ўтиш кераки, отахон театримиз билан мазкур коллеж ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳар иккала томонни қониктирувчи шартнома асосида мана бир неча йилдирки, театр раҳбарияти турли тадбирлар ўтказиш учун мазкур жамоаси ихтиёрига бериб келмоқда.

Бу гал ҳам худди шундай бўлди.

2005-2006 ўқув йилида коллежга қабул қилинган етти юздан ортиқроқ билим ва касб-хунарга чанқоқ бўлган ўғил-қизларимизнинг илк талабалик ҳаёти ана шундай ёддан ўчмай-диган тантаналар билан бошланиши уларда катта таассурот қолдирди.

Тантанани коллеж раҳбари, техника фанлари номзоди, доцент Жасур Қўлмухамедов қисқача кириш сўзи билан очиб, аввало барча йиғилган ўқувчи ва мураббийларни умумхалқ байрами билан табриқлаб, ўқувчиларни талабалikka қабул қилинадиган кун билан қутллади.

Табриқ учун сўзга чиққан Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг бошлиғи Ш.Жавлонов ҳамда «Мазнавият ва маърифат» маркази Чилонзор туман бўлими раҳбари Г.Дўсметова ҳам ўқувчи ва мураббийларни кутлуг байрам билан табриқлаб, талабалikka қабул қилинаётган ўқувчиларга уч йиллик ўқиш даврида касб-хунар сирасорларидан бохабар бўлиб, етуқ мутахассислар бўлиб етишишларида муваффақиятлар тиладилар.

Шундан сўнг юқори босқич ўқувчилари ўз укажону сингил-жонларини қизгин табриқлаб, уларга билимлар оламининг рамзий қалити ҳамда рамзий ўқувчилик дафтарчасини топширдилар.

Ушбу тадбирнинг энг таъсири нукталаридан бири — янги талабалikka қабул қилинаётган ўқувчиларнинг талабалик қасамёдини қабул қилишлари бўлди.

Анжуманининг тантанали қисмидан кейин бошланган бадий бўлимида коллеж ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Сўнг навбат театр жамоасига берилди. Йиғилганларни театрининг режиссёри Ҳайдарали Қосимов табриқлаб, театр ва коллеж ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг театрининг етакчи артистлари Р.Усмонов, О.Божонова, Р.Чориев, М.Юнусова ижросида катта концерт дастури кўрсатилди.

Шундай қилиб, байрам шукли ўтди. Уйлаймики, ушбу тантанали кун устоз ва мураббийларнинг ҳам, ўқувчиларга янги қабул қилинган ўқувчи-ёшларнинг ҳам хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Шавкат ҲУҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи «Мазнавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ ТАЪЛИМ АХБОРОТ ТАРМОҒИ «ZiyoNET» ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Хозирги вақтда ахборот ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Бугунги ахборот технологиялари — ҳар қандай жамият иктисодиётининг салоҳиятидир. Ахборотни ишлаш ва узатишнинг замонавий технологияларини қўллаш иктисодиётнинг рақобат қобилиятини ошириш, унинг жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашув имкониятларини кенгайтириш учун ҳам, барча ҳокимият даражаларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш босқичида, иктисодиётнинг давлат ва нодавлат тармоқларида давлат бошқаруви жараёнлари самарадорлигини ошириш учун ҳам халқ қилувчи аҳамиятга эга.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан республикада Интернет тармоғига жамоа бўлиб улашиш пунктларини ташкил этиш дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатда интернет-кафедрлар сони кейинги уч йил мобайнида 20 баравардан ортиқроқ кўпайди ва 493 тага етди.

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, мана шуларнинг ҳаммаси миллий телекоммуникация тизимига ўқув-таълим, илмий, ёшлар ҳамда болалар муассасалари ва ташкилотлари учун мўлжалланган ахборот материалларини бириктириш ягона ахборот-ресурс майдончасига эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғини шакллантириш заруратини юзга келтирмоқда.

Ҳужжатда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликларининг ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ягона «ZiyoNET» ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди.

Қуйидагилар унинг вазибалари этиб белгиланди: ёшлар учун миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш; ёшларнинг маънавий ва ақлий жиҳатдан камол топишга қўмаклашадиган ахборотдан кенг қўллашда фойдаланишларини таъ-

Ҳар бир газетанинг ўз йўналиши, ўз ўқувчилари бор. Айнан обуна пайтида ҳар бир нашрнинг халқ ўртасида қанчалик севиб ўқилиши, оммалашгани, қандай мазмун-моҳиятга эгаллиги яққол ойдинлашади. **Зеро, зукко муштарий доимо жон-дили билан мутолаа қиладиган газета ёки журналга келаси йил учун албатта обуна бўлади, унинг ҳар бир сонини орзиқиб кутади. Маҳаллалар, корхона, ташкилот, муассасаларда газетхонлар билан ташкил этиладиган бевосита учрашувлар, юзма-юз мулоқотларнинг фойдали томони шундаки, уларда янги режалар, мавзулар муҳокама қилинади, эътибордан четда қолаётган йўналишлар ойдинлашади, ўзаро ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланади. Зеро, “Ҳақиқат баҳса туғилади”, деган нақл бежиз айтилмаган.**

“Оқшом” газеталарида ҳам бундай очиқ мулоқотларни ўтказиш узоқ йиллик хайрли анъаналардан ҳисобланади. Аввал таъкидлаганимиздек, бу йил дастлабки мулоқотлар бевосита туман ҳокимликларида фаоллар иштирокида бўлиб ўтмоқда.

Бу галги учрашув Яккасарой туман ҳокимлигида уюштирилди. Унда тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, маслаҳатчилари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, халқ таълими ва банк тизими ходимлари, корхона, ташкилот, ўқув муассасаларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Очиқ мулоқот олдидан муштарийларимизни айниқса мустақиллик йилларида улкан янгиланишларга юз тутган Яккасарой туманининг шахримиз ҳаётида тутган ўрни, ривожланиш даражаси ва эришаётган ютуқлари билан яна бир карра таништириб ўтишни жоиз деб топдик.

Яккасарой тумани пойтахтимизнинг йирик sanoat, madaniyat va ta'lim markazlaridan hisoblanadi. Tuman hududi 1,46 gektar бўлиб, аҳоли сони 112,4 минг кишини ташкил этади. Туманда 4 та олий ўқув юрти, 17 та умумтаълим мактаблари, 2 та касалхона, 5 та поликлиника жойлашган. 8 та кутубхона, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, 2 та маданият уйи туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, туманда 18 та маҳалла мавжуд бўлиб, ушбу гўшаларда турли миллат вакиллари аҳил-бахамжихат истиқомат қилади. Туман иқтисодий ётини 133 та йирик корxonalar, 1850 дан зиёд кичик корxonalar таъминлайди.

Мустақиллик йилларида туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бирмунча ўзгаришлар, янгиланишлар амалга ошди. Халқ фаровонлигини ошириш, осойишталигини таъминлаш ва ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратилди. Ўтган йилларда туманнинг қатор иқтисодий кўрсаткичлари юқорилаб борди. Жумладан, 2005 йилнинг биринчи ярмида sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 28 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,3 фоизга ортган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 10,5 миллиард сўмга тенг, ўсиш суръати 100,2 фоизга

етган. Ҳозирги кунда туманда 202 та кўшма корхона фаолият юритмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, туманда экспорт соҳасидаги ютуқлар ҳам бирмунча қувонарли. Саноат корxonalari томонидан тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Ҳисобот даврида маҳсулот ва хизматлар экспорт ҳажми 2684 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўсиш суръати 127 фоизга тенг бўлди. Шуни қувонч билан айтиш жоизки, 2004 йилда туманда Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида «ТашКаятекстиль» ва «ЧитинКаятекстиль» кўшма корxonalari тузилиб, ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, Мустақиллигимиз байрами арафасида туманда «ОйДемиртекстиль» Ўзбекистон-Туркия кўшма корxonasi ишга туширилди.

Айтиш жоизки, маҳаллаларнинг жамиятимизда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Мустақиллик йилларида туманда «Ўрикзор», Абдулла Авлоний номидаги, «Яккасарой-1», «Конституция», «Қушбеги», «Ракат», «Яккасарой-2» маҳалла гузарлари қурилиб, атрофлари ободонлаштирилди.

Мустақиллик йилларида шахримиздаги меҳмонхоналар тизimini ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Улар хорижий инвестициялар ҳисобига қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда. Жумладан Яккасарой туманида жойлашган «Гранд-Мир» меҳмонxonasi туркиялик шериклар билан 3-4 тоифа даражага етказиб таъмирланди.

Шу билан бирга туманда кўчаларни кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари, йўл қурилишлари жадал бормоқда. Хусусан, бу йил Усмон Носир ҳамда Гавҳар номидаги кўчалар кенгайтирилиб, обод ва кўркам тусга кирди. Бобур кўчасида Аэропорт йўналишида 1 километр масофада яшил ҳудуд барпо этилди. Яқин келажакда ушбу ҳудудда болалар учун йирик спорт-соғломлаштириш мажмуасини бунёд этиш мўлжалланмоқда.

Каттаю-кичик яккасаройликлар маънавий-маърифий жиҳатдан мароқли дам олиши йўлида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда республика

Байналмилал маданият маркази, кўғирчоқ театри, Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўрғазмалар зали, амалий санъат музейи фаолият юритади...

Энди “Оқшом” газеталари таҳририяти ходимлари ва яккасаройликлар билан бўлиб ўтган бевосита мулоқот тафсилотлари хусусида тўхталадиган бўлсак, тадбирни очар экан, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилором Шарипова газета тўғрисидаги ўз

қўш саҳифаларни мутолаа қилган ҳолда коммунал дейсизми, қурилиш соҳасими, сиҳат-саломатлик, болалар спорти, тадбиркорлик йўналишларида амалга оширилаётган ишлар, ислохотлар кўлаmidan бевосита хабардор бўлиш имкониятига эга бўламиз. “Сўранг, жавоб берамиз” рўқни остида эса мунтазам равишда ҳамшаҳарларимизни қизиқтираётган саволларга ойдинлик киритиб борилади.

“Оқшом” газеталарининг бош

тезкор таништириб боришни ташкил этиш мақсадида келаси йилдан бошлаб ҳар ойда газетанинг битта сонини маълум бир туманга бағишлаган ҳолда чиқарилишини, газета саҳифаларида кўплаб янги рўқнлар очилишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувга йиғилганлар ўзларини қизиқтирган мавзулар юзасидан бош муҳаррирга саволлар бериб, тақлиф-мулоҳазалар билдиришни бошлаганларидан сўнг эса бевосита мулоқот янада жон-

унинг ходимлари билан учрашиб турганимиздан хурсандимиз. Халқ таълими соҳаси мутахассиси сифатида айрим илтимосларим бор эди. Жумладан, “Оқшом” газеталарида маориф мавзусида янги саҳифа очилса деган ниётдан. Туманимизда маҳалла — мактаб ҳамкорлигидаги ишлар авж олган. Бу йўналиш бўйича халқ таълими бўлимида ҳам режа тузиб олганмиз. Янги ўқув йилида режа бўйи-

ЖАВОБ: — Газеталаримизда таълим соҳаси доимо кенг ёритиб келинади. Бу борада “Таълим”, “Фан”, “Таълим муассасаларида” каби рўқнлар очилган. Заҳматқаш ўқитувчи ва мураббийлар ҳаётини ёритувчи лавҳалар, ҳар хил тадбирлар, танловлар тўғрисидаги материаллар, репортажлар муштарийларимиз эътиборига тез-тез ҳавола этиб борилади. Таълим-тарбия соҳасига бағишланган махсус саҳифани очиш устида албатта ўйлаб кўрамиз. Мактаб-маҳалла ҳамкорлиги, ўсмирлар ва қизлар клубларининг фаолиятини ёритишга ҳам ҳамиша тайёрмиз.

• **Дилором ШАРИПОВА,** туман ҳокими ўринбосари хотин-қизлар кўмитаси раиси: **САВОЛ:** — Телевидениеда “Кутилмаган меҳмон” мавзусида кўрсатув бор. Унда кутилмаган ҳолда биз севган қаҳрамонлар ҳаёти ва ижоди билан таништириб борилади. Бинобарин, юртимизда Зулфия мукофотига номзодларни танлаб, энг иқтидорлиларини аниқлаган ҳолда, келгусида уларни кўллаб-қувватлаб боришдек хайрли иш йўлга қўйилган. Газетада мукофотга номзодларни танлаш жараёни, бу борадаги бешта йўналиш бўйича мазмунли чиқишлар қилиб борилса, номзодларнинг интилишлари, бил им чўққиларини эгаллаш йўлидаги сайъ-ҳаракатлари газетада ўз аксини топса.

ЖАВОБ: — Яхши тақлиф. Бу борада ҳам туман билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. “Ёшлар — келажакимиз” рўқни остида ёш истеъодларнинг ҳаёт ва фаолияти билан муштарийларни таништириш ҳам доимий йўналишлардан ҳисобланади.

Учрашув ана шу каби ўзига хос тақлиф ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Улардан ижодий жараёнда фойдаланиш албатта “Оқшом” газеталарининг ўқимишлилигини янада оширишга хизмат қилиши аниқ. Муштарийларнинг “Оқшом” газеталарини севишлари, мухбирлар фаолиятини қадрлашлари эса ижодий ходимларни янада изланишга, ўз устларида ишлашга ундайди.

Учрашувдан сўнг кун давомида “Оқшом” ижодкорлари тумандаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда бўлиб, янгиланган билан танишишди, туман ҳаёти ҳақида янада аниқ ва тўла тасаввурларга эга бўлишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: учрашув ана шундай қизиқарли ўтди; туманнинг бугунги ҳаётини лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



фикрларини қуйидагича баён этди:

— Барча ҳамшаҳарларимиз учун сеvimли бўлган “Оқшом” газеталари албатта, ўз мазмун-моҳияти билан бошқа нашрлардан алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, “Оқшом” орқали шахримиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган янгиланган билан тезкор танишиб бориш, айниқса ҳар хил йўналишлардаги

муҳаррири А.Ақромов ўз сўзида нашрнинг юзага келиш тарихи, унинг барча бош муҳаррирлари, бу ерда фаолият кўрсатаётган қалами ўткир, забардаст журналистлар хусусида тўхталиб ўтди, таҳририят ходимлари ҳамда бўлимларнинг фаолиятига йиғилганлар эътиборини қаратди. Шаҳримиз туманларининг ҳаёти, ютуқ ва муаммолари билан муштарийларни янада пухта ҳамда

ли тусга кирди. Шунингдек, унинг депутатлик фаолиятига оид саволлар ҳам берилди. Қуйида айрим савол-жавобларни келтириб ўтамиз.

• **Мавлуда САДИРХОНОВА,** Яккасарой тумани халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси: **САВОЛ:** — “Тошкент оқшоми” жуда қизиқарли газета ва

ча ишни бошладик. Амалга оширган ишларимизни кўрсатишни истар эдик. Тарбияси оғир, гиёвандликка мойил болаларни маҳалла билан биргаликда тарбиялашни келишиб олганмиз. Бундан ташқари, ўсмирлар ва қизлар клубларини ташкил қилганмиз. Шу клубларнинг фаолиятлари ҳам “Оқшом” газеталарида ёритилса...

«THE JAPAN TIMES» ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Японияда чоп этиладиган нуфузли «The Japan Times» газетасида «Ўзбекистон талланган йўлдан оғшмайди» сарлавҳали салмоқли мақола ёзилди.

Газета истиклол туфайли юртимизнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида улкан ютуқ-муваффақиятлар кўлга киритилгани ҳақида ёзар экан, мамлакатда йўлга қўйилган икки палатали парламент фаолияти ҳамда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг демократик қадриятларга содиқлиги натижалари сифатида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

«The Japan Times» олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат мамлакатини

мизнинг халқро микёсдаги обрў-эътиборининг янада юксалиши учун мустаҳкам асос яратётганини алоҳида таъкидлар экан, бу Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштирокида ҳам яққол кўзга ташланишини қайд этади. Мақолада ушбу тузилма Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликнинг асосий омилга айланиб бораётгани, Ўзбекистоннинг Европа ва Жанубий-шарқий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзига хос кўприк сифатидаги тарихий аҳамияти қайта тикланишига шубҳа йўқлиги билдирилади.

Мақолада тобора ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги муносабатларига марказий ўрин ажратилган. Халқларимиз урф-одатлари ва маънавий қадриятлари ўртасидаги муштарақлик ҳамда умумий тарихий ришталар мавжудлиги туфайли бугунги кунда Японияда юртимиз тарихи ва маданиятига қизиқиш янада ортиб бораётгани қаламга олинган. Бундан ташқари, газетанинг ушбу сонида Ўзбекистон-Япония иқтисодий кўмитаси раиси Н.Охашининг яқинда мустақиллик байрамини нишонлаган Ўзбекистон халқига табрикномаси ҳам чоп этилган. Унда Ўзбекистон раҳбариятининг пухта асосланган ва узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати ўзининг кенг кўламли ижобий натижаларини бераётгани алоҳида таъкидланган.

«Жаҳон» АА
Токио

Шарқ дурдоналари

Оз-Оз ўрғаниш
Домо бўлу...

● Айтишларича, Гаштосиб кунлардан берида ўз ватанидан айрилиб, Кустанания шахрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга қарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафси йўл қўймаз эди. Унинг ёдига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четига жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта яшашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдида борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йигди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу хунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалда ўқитиб, иккинчи қисмида хунар ўргатишга фармон берди.

● ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

Дунёнинг қарори илм биландир,
Илмсиз кишига йўқдир эътибор.

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамайди, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда» — деди.

Байт:
Ҳар инсон илмдан тополса баҳра,
Иши ўқиш ила саволу жавоб!

Онаси муаллимдан: «Билломдинги, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Би-лишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшук юзига ҳайронга ўхшайди».

Ўзи меҳнатга ожизу боши савдога лик тўла,
Бугун эртанинг фикри ҳақида ўйламас асло!

Агар мен илму йимдондан савол қилсам у васлу хижрондан гапирди, агар мен ҳалолу харомдан ҳўқоқ қилсам у зулф ила холдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришининг оқибати саломатлик бўлмас ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир!

Байт:
Домга тушган ночор қушининг ҳолини,
Озод юрган бургут билмас ҳеч қачон.

Қафасдаги бўлбул нолишин эса,
Ёр-ла юрган каптар сезмас бегумон.

Уни озод қил! Ишқда шундай хосият борки, у кишини лафотдали, назокатли ва ҳушёр қилади!

Байт:
Ҳар кимсанинг боғи ила бўстонлари бўлса ҳам,
Хушнуд эмасдир ҳаргиз унда ёри бўлмас.

Кўнгул бермоқ бировга, ҳаётнинг ўзи шулдир,
Жонсиз сувратдир кимнинг гулузори бўлмас.

3 октябрь — Корея Республикаси миллий байрами — Давлат ташкил тоналган кун

ҲАМФИКР ВА ҲАМКОР ЮРТ

Давлат ташкил тоналган кунни Жанубий корейликлар энг катта байрам сифатида 1948 йилдан бунён нишонлаб келади. Корея асрлар мобайнида Чосон, яъни «Субҳидам бокиралиги юрти» деб юритилган. Бир неча аср аввал машҳур сайёх Марко Поло бу мамлакатни дунёга Корё сулоласи номи билан таништирганидан сўнг у «Корея» деб аталадиган бўлган.

Бугунги Корея Республикаси иқтисодий-сиёсий ислохотлар йўлидан бориб, фан, маданият, таълим, ижтимоий таъминот, технология, спорт каби соҳаларда улкан муваффақиятларни кўлга киритмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг ишончли шерикларидан. Рақамларга мурожаат этайлик: 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан 41 фоиз ўсиб, 430 миллион АҚШ долларини таш-

кил қилди. Жорий йилда бу кўрсаткичнинг янада ўсиши кутилмоқда.

Айни пайтда юртимизда ўзаро ҳамкорликда тузилган 127 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар автомобилсозлик, электроника, энгил сановат каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида иш юритиб, замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётир.

Асақдаги Ўзбекистон-Корея «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотлари - энгил автомобиллар нафақат Ўзбекистонда, балки МДХнинг кўплаб мамлакатларида ҳам аллақачон ўз хизматларини тоналган.

Жанубий Корея ишбилармон доиралари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан яхши хабардор. Икки мамлакат иш одамлари ўрта-

сида бизнес форумлар, семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу соҳадаги ҳамкорликка қизиқиш негизда нафақат иқтисодий салоҳият, балки юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, хоржий сармоядорлар учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар ҳам муҳим.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея муносабатларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани билан изоҳланади. Давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина масалаларда ҳам-фикрлиги, халқларимизнинг руҳий яқинлиги муносабатлар ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Шаҳримизда ёшларнинг саломатлигини яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда спортга қизиқувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Мағбирлар

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Жумладан, яқинда Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 225-мактабда ёшларнинг саломатлиги, маънавиятига бағишланган «Соғ танда — соғлом ақл» мавзусида спорт мусобақаси ўтказилди.

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилди. Мусобақада асосий эътибор оммавий спорт ўйинларида иштирок этишни хоҳловчи ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилди. Тадбирда спортнинг шахмат, футбол каби турларига қизиқувчи барча ёшлар қатнашди. Шунингдек, улар «Кувнок стартлар» ўйинида ўз эҳли ва чаққонликларини кўрсатишди. Одиллик билан баҳоланган мусобақада энг чаққон, соғлом ва билимдон иштирокчилар орасидан 3 нафар голиб аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Юлдуз РИЗАЕВА

Tashkent open — 2005

ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ТЕННИС МАМЛАКАТИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Октябрь ойи юқори даражадаги теннис турнирлари жадалида энг зич давр ҳисобланишига қарамаздан, бундан «Tashkent open — 2005» турнири ўйинчилар таркибини инобатга олган ҳолда ўз мавқени асло йўқотмайди.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Тошкентга кўплаб кучли теннисчилар ташриф буурган, шулардан саккиз нафари WTA - Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмасининг биринчи юзликдаги ўйинчилари сирасига кирди. Бу Екатерина Бичкова (Россия), Алена Бондаренко (Украина), Антонелла Серра-Занетти (Италия), Эмилия Лайне (Финляндия), Мишаела Крайшек (Нидерландия), Эмилия Лоит (Франция) ва Мара Сантангелодир (Италия).

Қайд этилган ўйинчилардан турнирда иккинчи бўлиб сараланган украиналик Алена Бондаренко, афсуски, биринчи давраноқ ракеткасини гилофлашига тўғри келди. Лекин бу ҳақда бироз кейинроқ.

Турнирнинг биринчи кунда еттига ўйин бўлиб ўтган бўлса, дастлаб кортга тушган

Ольга Савчук (Украина) ва ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ўртасидаги баҳс бизнинг ҳисобимизга яқунланди.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ўйин давомида Ирода деярли барча геймларни ўз ҳисобига ёзишга муваффақ бўлди. Шу тарихида бу баҳс 6/2, 6/2 натижалари билан ҳамюртимизнинг илк ютуғи билан туғди. Матбуот конференциясида маълум бўлишича, Ольга бу ўйинга унчалик тайёргарлик кўрмаган экан. «Мен Иродани «квалифайнд»да узоқ кузатдим ва шунга қараб хулоса чиқаргандим: уни осонлича энгиб, кейинги босқичга ўта оламан дегандим. Лекин Тўлаганованинг имкониятларини унутибман, шекилли: ахир Ирода бежиз 16-ракетка бўлмаган-ку!», деди ўз ҳаяжонларини берктишга уриниб Ольга Савчук ўйиндан сўнг.

Шу билан бирга томошабинлар ҳам, ташкилотчилар ҳам бошқа яна бир ҳамюртимиз Осиё чемпиони Окгул Омонмуродованинг украиналик Алена Бондаренко билан ўта мураккаб беллашувини кузатдилар. Лекин Окгулнинг илҳосмандлари унинг ўзига хос ўйин кўрсатиб, олдинга албатта чиқиб олишига ишонгандилар ва шундай бўлди



ҳам. Рақибининг кучли теннисчи эканлигини яхши тушунган Окгул даставвал унга кўплаб имкониятларни шунчаки тақдим этди ва пайтни пойлаб туриб, тай-брекда 7/6 ҳисобида ундан устун келишга эришди. Ҳа, бу айнан Окгулнинг ўйини эди. Иккинчи сетда ўзбекистонлик теннисчи ўйинга янада ишонч билан киришиб, Алёна узоқ тёр тўқишга мажбур этди ва натижада ўйинни ўз фойдасига ниҳоялади.

— Лекин мен учун бу шунчаки ютуқ эмас, бу менинг «Tashkent open» турнирларидаги иккинчи даврага чиқиш олдидан дастлабки галабамдир, — деди Окгул матбуот конференциясида.

Шундай қилиб, турнирнинг биринчи кунини ўзбекистонлик спортчилар учун омадли келди. Ният қиламиз, кейинги баҳслар ҳам яхши натижалар билан бизнинг ҳисобимизга яқунланади. БУГУН эса тўққизта ўйин бўлиб ўтди. Ҳамюртларимиз фақат жуфтликдаги баҳсларда иштирок этадилар.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
Алишер РИСКЕВ (ЎЗА)
олган сурачлар.

“БОЖХОНА ҲАММА УЧУН”

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси қошидаги маслаҳат маркази томонидан мамлакатимизнинг ташқи фаолият иштирокчиларига кўмак таъриқиса «Божхона ҳамма учун» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Маълумки кейинги йилларда божхона хизмати тобора тақомиллаштириб бормоқда, — деди мазкур ҳужжат ишланмаси муаллифи Нодир Иброҳимов. — Тадбиркорлар олдида божхона қонунлари рияз этиш билан боғлиқ талайгина масалалар кўндалан бўлади. Айниқса, расмийлаштиришда. Ҳўжалик юритаётган субъект учун экспорт ёки импорт қилинаётган ҳар қандай товарни тўғри расмийлаштириш ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади.

Эндигина ўз ишини кенгайтираётган ёш тадбиркорга ҳам, тажрибали ишбилармонга ҳам эҳтимол бўлган

ҳамма сарф-харажатни, имтиёз, божхона чиқимларининг ставка ва тартибини тўғри ҳисобга олиш зарур, албатта. Уларнинг жами йиғиндиси корхонанинг ташкилий шакли, у ёки бу товарни қандай эҳтиёжлар учун келтирилаётганига боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳозиргача, республикамизда оддийгина клавиш тугмасини босиш биланок, барча зарурий тўловларни тезда ҳисоблаш имконини берадиган компьютер дастурлари йўқ эди, — деб таъкидлади Н.Иброҳимов. — Ўзаро боғланган мажмуа таркибида божхона идоралари ва ваколатли банклар талабларига жавоб бера оладиган

турли экспорт-импорт амалиётларининг тайёр матнлари мавжуд.

Н.Иброҳимовнинг сўзларига қараганда, мазкур ҳужжатнинг «Нархлар ахбороти бюллетени» бўлими Давлат Божхона кўмитаси томонидан ҳар ойда нашр этиладиган экспорт ва импорт қилинадиган товарлар бўйича нарх ахборотномасининг электрон нусхаси ҳисобланади. Ишлаб чиқилган дастурий мажмуа ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчиларнинг божхона хизмати тузилмаси билан ўзаро алоқа қуроли ҳисобланади.

Айни пайтда ўлкамизда турли мулк шаклидаги 2,6 мингдан зиёд ҳўжалик юритувчи субъект фаол ташқи савдо фаолияти билан машғул бўлиб, уларнинг ўн мингини хусусий тадбиркорлар ташкил этади.

«Туркистон-пресс».

Бу — қизик

ГАП СЕХРГАРЛИКДА ЭМАС

Шифокорлар инжиқ беморларни яхши билишади, бундай беморлар ҳамма бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Американилик Жон Фастнинг фикри зикри даволаниш — ўзининг олтиш ёшига нисбатан мутлақо саломатлигини, арзимаган нохушликлар эса кексалик билан боғлиқ эканлигини унга уқтириш амри маҳол. Бу гал ҳам эшиқда Фастни кўрган врач чўкур бир хўрсиниб кўйдида:

— Келинг, яна эт-бетингиз оғрийптими? — деб сўради энсаси қотиб.

— Ҳа, чиндан ҳам, назаримда мазам йўққа ўхшади.

— Ундай бўлса, икки ҳафта ширинлик емай туринг-чи, кейин кўрамиз, Роппа-роса ўн тўрт кундан кейин келинг.

Фаст, врач айтганидек, икки ҳафтадан кейин келди.

— Доктор, минг раҳмат, ўзимни худди ёш боладек соғлом, тетик ҳис этипман, сиз сеҳргарсиз!

— Кўйсангиз-чи, — деди қулиб врач. — Бунинг ажабланишлик жойи йўқ. Қайси кун қабулмида бўлган эдингиз, чоршанбадами? Ҳа, балли. Энди бир сирни очман. Сизга ўшаган беморлар душанба, чоршанба, жума кун келишса, мен уларга ширинлик емасликни, агар сешанба ёки пайшанба кун келишса, мутлақо туз истеъмол қилмасликни тавсия этман. Маълумки, қанд билан туз ҳаммага зарурли. Энди-чи, кейинги гал сешанба кун келинг...

ОҚУШЛАР ҚИРИЛИБ КЕТМОҚДА

Буюк Британиянинг табиати муҳофаза қилиш миллий совети мамлакат сув ҳавзаларида яшовчи оқушларнинг сезиларли даражада камайиб кетаётганлигига эътиборни қаратди. Оқушлар заҳарланиб, қирилиб кетаётди. Аниқланишича, балиқчилик томонидан фойдаланилаётган қўрошин чўкмаси бунга сабаб бўлаётган экан. Оқушлар озуқа билан биргаликда қўрошин бўлагини юриб юборишади, бу пировард оқибатда уларни заҳарлайди, деб ёзди “Нью сайентист” журнали. Маълумотларга кўра, ҳар йили балиқчилар қарийб 250 тонна қўрошинни ишлаштиради.

Маълум

ИЗЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида тарихчи олим археолог, академик Аҳмадали Аскаронинг 70 йиллик таваллудига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Тўра Мирзаев сўз олиб, Ўзбекистонда тарих фанининг ривожига Аҳмадали Аскаронинг ҳам муносиб ўрни борлигини таъкидлади. Ҳақиқатан, А.Аскаронинг илм-фан соҳасида амалга оширган салмоқли ишлари тадқиқот — нашрларининг рўйхати 350 дан ортиқ. Ўн бир нафар фан номзоди, икки фан доктори унинг бевосита раҳбарлигида диссертация ишларини химоя қилишган.

Анжуманда ҳозирда “Ватан тарихи” кафедрасига мудирлик қилаётган А.Аскаронга университет ректорати, жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, устоз домланинг яқин сафдошлари, шогирдлари, шунингдек, бу ерда ҳозир бўлган франциялик тарихчи олим, Франция Фанлар академиясининг аъзоси Ф.Греней ва бошқалар дил сўзларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда маърифат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Аскарон анжуман сўнггида сўзга чиқиб, ўз ҳаётидаги эришган ютуқ-зафарларига, муттасил меҳнат ва изланишларининг муҳим омили бўлганлигини эътироф этди.

Мамаражаб ХўЖАЕВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Ватан тарихи” кафедрасининг ўқитувчиси

Бугунги кунда шахримизда ва республикамизнинг барча ҳудудларида ёшларимизнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ўсишларини таъминлаш, уларнинг фаол дам олишларини ташкиллаштириш ва фойдали меҳнатга жалб этиш каби масалаларга қаратилган турли-туман дастурлар амалга оширилмоқда.

Санъат

МАДАНИЯТ УЙИГА МАРҲАМАТ


Юнусобод тумани аҳолиси учун Ҳамид Олимжон номли маданият уйи айнан мана шундай файзли маскан ҳисобланади. Бу ерда фаолият юритувчи турли тўғарақ ва секцияларга 460 нафардан зиёд болалар, ўсмирлар ва катта ёшдаги кишилар мунтазам равишда қатнайд.

Мазкур маданият уйидаги халқ камер хори, «Юлдуз», «Сайёра», «Замин» каби эстрада гуруҳлари ва бошқа тўғарақларга барча хоҳловчилар бепул қатнашлари мумкин.

Бундан ташқари, бу ерда Владимир Ворошилов раҳбарлигидаги «Шанс» номли спорт-бал рақслари студияси, тажрибали ўқитувчи Одилбек Шовқиев олиб борадиган инглиз тили тўғараги, фортепиано синфи ва эстрада-музика чолғулар студияси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Маданият уйи тўғарақлари қатнашчилари турли танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Мисол учун шу йили Соҳибжон Тоҳиров «Ўзбекистон Ватаним маним» республика танловининг туман босқичида биринчи ўринни эгаллади, шаҳар микёсида ўтган босқичда эса диплом билан тақдирланд.

Тўғарақ қатнашчилари Фахрийлар ором-



гоҳида хордиқ чиқараётган уруш ва меҳнат фахрийлари, 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, «Автомобилчи» ва «Травмачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўзлари тайёрлаган музикали дастурлар билан чиқишлар қилишди.

Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйининг директори Фахриддин Ҳақимов бундан тўрт йил муқаддам 20 нафар тажрибали ўқитувчиларни бир ерга жамлаган ҳолда деярли самарасиз фаолият юритган жамоанинг ишини анча жонлантirdi.

— Фаолиятимизнинг ривожланишида шаҳар ишлари бошқармаси, “Махалла” жамғармасининг туман бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман халқ таълими бўлими, “Туркистон”, “Собиробод” каби махалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг хизмати катта, — дейди Фахриддин Ҳақимов. — Ишонаманки, келажакда ўзаро ҳамкорликда Маданият уйининг фаолиятини янада кенгайтираимиз, янги тўғарақ ва секциялар ташкиллаштирамиз.

УСМОНОВ

СУРАТЛАРДА: маданият уйи фаолиятдан лавжалар.

Муаллиф олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР — ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

“Тошсиссиққуввати” ИЧБ 4-6-разрядли электргазнапайвандловчиларни ишга таклиф этади. Меҳнатга ҳақ тўлаш вақтбай-мукофот бўлиб, маоши 76240 сўм ва ундан юқори.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

А.Толстой кўчаси, За-уй.

(Мўлжал — Бош почтамп рўпарасида).

ТЕЛЕФОН — 133-84-53

АВТОБУСЛАР:

38,67,68,7,93,26,37,51,60,91.

Тошкент маданий оқартув техникуми томонидан 1987 йили Ҳақимов Фатҳиддин Хуснутдиновчи номига берилган № 891343 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2005 йил 27 августдан бошлаб

“ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ”
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-КИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
«ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»

Катта халқаро байрам дастури

Дастурдан:

ўргатилган кучуқчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар

ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.

ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!

Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат

12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўлашни мумкин.

Касса эртага соат 9.00 дан ишлайд.

Маълумотлар учун телефонлар:

144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Шахмат

ЧИРОЙЛИ ВА БЕТАКРОР ГАЛАБА

Аввал хабар берганимиздек, Аргентинанинг Сан-Луис шахрида халқаро шахмат федерацияси шафелигида жаҳоннинг энг кучли саккиз нафар гроссмейстери иштирокида бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати тибора қизғин паллага кирмоқда.

Ҳозирча чемпионатнинг тўрт тури ортда қолди. Албатта муҳлису мутахассисларнинг диққат-эътибори амалдаги жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг нуфузли мусобақаларда қай тарзда дона суришида эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, дастлабки икки турда ҳамюртимизга россиялик кучли шахмат усталари Морозевич ва Свидлерлар рўбарў келиши. Кескин ва мурасасиз беллашувларда донинг натижалар қайд этилди ва томонлар очколарни бўлишиб олишди.

Учинчи турда умуман қутилмаган натижа юзага келди. Венгриялик иктидорли шахматчи, жаҳон чемпионатидаги ягона аёл иштирокчи Юдит Полгарнинг Р.Қосимжоновни мағлубиятга учратиши чемпионатдаги шов-шувли натижа сифатида баҳоланди.

Ўзини қўлга олган Рустам тўртинчи турда турнирнинг биринчи рақамли спортчиси ҳиндистонлик жаҳон чемпиони Вишванатан Анандга қарши моҳирона тарзда дона сурди.

Ўйинни оқ доналар билан бошлаган Р.Қосимжонов бахс охирларида қийин вазиятга тушиб қолганига қарамай ягона оқилона йўлни топа билди ва жуда чиройли галабага эришиб, қимматли очкони қўлга киритди.

Ҳозирча охирги турда ўтган йилги жаҳон чемпионатининг финалчиси Буюк британиялик Майкл Адамс устидан галаба қозонган болгариялик Веселин Топалов 3,5 очко жамгарган ҳолда турнир жадвалини бошқармоқда. Рустам Қосимжоновнинг ҳисобида 2 очко бўлиб, тўртинчи ўринни банд этиб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

Футбол

«ПАХТАКОР» — ПЕШҚАДАМ

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 24-тур беллашувлари пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар — «Пахтакор» ва «Трактор» муҳлислари кўнглини шод этди.

Ушбу турда «пахтакор»чилар Бекободда «Металлург» меҳмони бўлиши. Таъкидлаш жоизки, галаба сув билан ҳавадек зарур бўлган тошкентлик чарм тўп усталари бу сафар ҳам уюшқоқ ҳолда ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Очигини айтганда, майдон марказида тўла устунликни қўлга киритган Равшан Ҳайдаров шогирдлари томонидан рақиб дарвозаси томон уюштирилган ҳар бир ҳужум хавфли тус олди. 90 дақиқа мобайнида муҳлислар 4 та голнинг гувоҳига айланишди. Мезбонларни 3:1 ҳисобида мағлуб этган «Пахтакор» жамоаси муҳим 3 очкони қўлга киритди. Дарвозага тўпларни «Пахтакор»дан Соломин (2 та), Солиев, «Металлург»дан Мирзаевлар йўлашга муваффақ бўлишди.

Шунингдек, Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги «Трактор» жамоасига ҳам ушбу турда омад қилиб боқди. Ўз майдонларида «Бухоро», жамоаси билан куч синашган «тракторчи»лар комбинацион ва ҳужумкор ўйин намойиш этиб, учрашувни 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Муҳлисларига қувончли онларни ҳаёда этган голларни эса Мўминжонов ва Ҳасановлар меҳмонлар дарвозасига киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:0, «Навбахор» — «Тўпаланг» — 1:0, «Насаф» — «Самарқанд-Динамо» — 3:0, «Қизилқум» — «Шўртан» — 1:0, «Машъал» — «Локомотив» — 3:1.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 22-тур баҳслари 7 октябрда бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Айнан шу мақсадга эришиш йўлида республикамизда кейинги пайтларда бир қатор таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ИИБ Енгиндан сақлаш хизмати ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва миллий анъаналаримизга мос равишда қайта ташкил қилинди, ёнғин хавфсизлиги идоралари эса энг сўнги талабларга жавоб берувчи замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, ёнғинларнинг олдини олиш ишларини тўғри ташкиллаштириш мақсадига ҳар йили кишки иситиш мавсумида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Ёнғин хавфсизлиги» ойлиқларини ўтказиш йўлга қўйилган. Албатта ёнғинларнинг олдини олишда профилактика чораларининг ўрни беқийёс. Таъкидлаш жоизки, жорий 2005 йилнинг 8 ойи мобайнида Тошкент шахрида 1089 та ёнғин содир бўлиб, улардан кўрилган моддий зарар улкан миқдорни ташкил қилди. Шуниси ачинарлики, ёнғинлар натижасида 12 инсон ҳаётдан бевақт кўз

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишловларнинг бир йўналиши замонавий талабларга жавоб берадиган ва инсонларнинг ҳаёти, соғлигини асрашга, аҳоли яшаш жойлари, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тизимни яратишдан иборат.

«01»

САБАБИ ОДДИЙ, ОҚИБАТИ ЧАТОҚ

юмди, 23 нафар киши турли даражада куйиш тан жароҳатини олади.

Пировардида рўй бераётган ёнғинлар ҳали ишимизда кўп изланишлар олиб борилиши, имкониётларни қидириб топиб, жойлардаги ёнғин офатини қамайтириш, унинг рўй беришининг олдини олиш учун тинмай ҳаракат қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ёнғинлар оқибатига ёнғин хавфсизлиги қўдаларига амал қилмаслик натижасида келиб чиқмоқда. Бундай вазиятда

Маълумки, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар таянч маскани, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Қамолот» ЁИХ шаҳар бўлими ҳамкорлигида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Стол тенниси

БАРКАМОЛ АВЛОД РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Айниқса, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда спортга қизиқиш уйғотиш ва жалб этиш, иктидорли болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилиб келинмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида шахримизнинг барча туманларида ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилди. Туман босқичларида 100га яқин ўсмирлар ўршу спорт тури бўйича ўз куч-маҳорат ва истеъодларини намойиш этишди ва туманларда голибликни қўлга киритган ёшларимиз шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Кунни кеча шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар таянч маскани томонидан стол тенниси бўйича турнир ўтказилди. Мусобақа ўсмир болалар ва қизларнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари, жисмоний тарбия ва

спорт турлари билан шуғулланишга қизиқтириш, спорт турларини оммавийлаштириш, ёшларимиз ўртасида профессионал спортга ҳатмонлама тайёргарлиги етарли бўлган ўсмирларга эътибор қаратиш мақсадига уюштирилган турнирда шахримиз туманларидан 44 нафар ўсмирлар қатнашди. 1991-95 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат гуруҳдан 1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз болалар, 1993 йилгача бўлган гуруҳдан 1 нафар ўғил ва 1 нафар қизлар қатнашиб голиблик шохсунасига чиқдилар. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан турнирнинг ҳар бир қатнашчиларига эсдалик совгалари, голибликларига эса I, II, III даражали дипломлар ва кимматбаҳо совгалар топширилди. Фолибларга Республика босқичида қатнашишга йўлланмалар ҳам берилди.

Барно ШЕРБОВА

қолган қуриган барг ва ўтларни ёқиб юборманг.

● Газ ўчоқдан ювилган кийимларни қуришти мақсадига фойдаланманг — бу хавфлидир.

● Газ ўқини сезсангиз дарҳол уй эшик ва деразаларини очиб, уйни шамоллатинг ва телефон орқали 04 га кўнғирок қилиб вазиятни тушунтиринг.

Ушбу қўдаларга риоя этмасангиз йиллар давомида мисқоллаб йиғилган бойликларингиз ҳамда пешона терига қурилган иморатларнинг бир зумда ёниб кетиши ачинарли ҳол бўлиб қолади.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Агарда ёнғин хавфини сезсангиз телефон рақами орқали «01» га кўнғирок қилиб ҳодиса рўй бераган жойнинг аниқ манзилини айтинг, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари етиб келгунга қадар қарияларни ва ёшларни қутқаришга киришсангиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Саидқорон МАГРУПОВ, 12-Ҳарбийшахрирланг ёнғин хавфсизлиги отряди командири, майор

Мунажжим башорати

ЎЗИНГИЗНИ ОРТИҚЧА УРИНТИРМАНГ

5 ОКТАБРЬ, ЧОРШАҒБА

Қадрли мунажжимимиз Лана Саванскаянинг таъкидлашича, бугун осмон сайёрасининг жойлашиши ерликлар учун унча қулай бўлмас экан. Шунинг учун, дейди у, муҳим ишларга қўл урманг ва ўзингизни бугун кўп ортиқча уринтирманг.

Мунажжимларимиздан яна бири — С Илчиёв, бугун қулги ва хурсандчилик кунни, дея таъкидлайди. Қулгу - бу илгариги хотолардан, камчилик-нуқсонлардан ва муаммолардан халос бўлишдир. Қаҳ-қаҳа овозидан инсонлар қалбида абадий илоҳий асослар ҳаракатга келади.

Бугунги кун олов ва темирга алоқадор ишлар, ерга уруғ сепиш учун қулай ҳисобланади. Янги ишлар, пул муомаласи, қарз олиш ва беришлар учун бугун қулайлик бўлмайди. Қуёш тақвими бўйича 19-кун рамизи ҳам «қадим ўтган ишлар»ни эслашга даъ

ват этади. Зеро, Авесто астрологиясида бу кун дунёнинг пайдо бўлишида инсонларнинг дастлабки ажодларига бағишланган ҳамда ажодлар васиятларига сўзсиз амал қилиш, улар анъаналарини ривожлантириш энг муносиб амалиёт ҳисобланади.

Қуёшнинг пастлаб борувчи Ой сайёрасига яқинроқ йўналишда бўлиши қўпчилик одамларда ўзлари ағнабл этмаган ҳорғинлик ҳолатини юзага келтиради. Бундай пайтларда янги ташаббуслар билан чиқиб бўлмайди. Лекин шунга қарамай, бугун танбаллик, тушқунликка берилиш мумкин эмас. Чунки бу қурулган танада турғунлик ҳодисалари ва хасталикларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Спорт билан, жанговар санъат турлари билан шуғулланиш учун бугунги кун айна қулай келади. Жисмоний чиникиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатлар фойдали бўлади. Ҳазор мулоқотлар, жамоа бўлиб ишлаш, қариндosh-уруғчилик, дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш хайрли бўлиши қулайди.

Орқангиздан кучли шамол уриляётганини ҳис этишингиз ёки кун бўйи сизни мусиқа овози таъкиб этиши — бу яхшилик аломати. Чарм буюмини той олсангиз, сизга кўмак келади. Кийимнинг йиртилиши ҳимоянгиздан айрилишингизни билдиради. Тушларингизни субҳи сабабда кўрсангиз ва

кўпгина овозларни эшитсангиз — улар башоратли бўлади. Бундай тушлар рамайи эмас — тўғридан-тўғри таъбир қилинади ва тез орада ўнгидан келади.

Хаммом қилиш, уқалатиш, терини тозалаш фойдали бўлади. Очик ҳавода бўлиш имкони топангиз янада яхшироқ бўлади. Совуқ сувада чўмилиш сизни чиниктиради.

Кийимлардан йўл-йўл ва ёрқин ранглилари бугунги кун учун омадли бўлади. Қорамтир, айниқса жигарранг ва тимқора ранглардан йироқроқ бўлинг.

ЧОРШАҒБА МАСЛАҲАТЛАРИ:

— кундалик одатий ишлар билан шуғулланишни давом эттириш;

— фақат кеңиктириб бўлмайдиган, масалан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;

— спорт билан, жисмоний ва руҳий чиниктирувчи машқлар билан шуғулланиш;

— вазиятга қараб иш қуришга интилиш;

— сабр-қаноат ва ирода кучини намойён этиш;

— парҳезга, режимга риоя қилиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик таъсия этилади.

Ҳар қандай жиддий ҳатти-ҳаракатлардан, бошқаларга заифлигингизни ошқор этишдан, яқин кишиларингизга нисбатан ҳаддан зиёд юмшоқ ва қарамли бўлишдан ўзингизни тийинг.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

Телефонлар: 133-29-70; 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма таъриф объект устувида босилади. Қорғо биринчи А-3 2496 нускада босилади.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563.

Нашрни etkabiz берини масаладари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақлаланди. «Шарқ» ношриёт-нотабё акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.